**"Наврўз деҳқон бозори" АЖ**

# АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

**2026 йил 16 апрель** **соат 11 -⁰⁰**

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нақтсиз.

Акциядорларнинг 2025 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йўли кўчалари кесишмаси манзилда жойлашган "Наврўз деҳқон бозори" АЖ маъмурий биносида 2026 йил 16 апрель куни ўтказилди. Йиғилишда 7 050 065 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 98,60 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Шомансуров- "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК бўлим бошлиғи, Ишончнома асосида.

Т.К.Камолов - "Наврўз деҳқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси, акциядор.

Ё.Ф.Турғунов - "Наврўз деҳқон бозори" АЖ директори в.в.б.

Ж.Олимов - "Наврўз деҳқон бозори" АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров - "Наврўз деҳқон бозори" АЖ қимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошқа тегишли мутасадди ходимлар, жами 7 050 065 овозга эга акциядорлар қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,60 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар сони 476 та. 7 150 000 овоз.

Йиғилишда раисликни кенгаш аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,60 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар

Йиғилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек Т.К.Камолов Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга қўйди.

Саноқ комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

*1. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;*

*2. Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш,*

*3. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;*

*4. Жамиятнинг 2025 йил якуни ва аввалги йиллар бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;*

*5. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси"ни тасдиқлаш;*

*6. Жамият директорини сайлаш;*

*7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи;*

*8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;*

*9. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;*

*10 .Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;*

*11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирда тасдиқлаш*

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан кабул килинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши хакида келишиб олинди.

Биринчи масалага 5 минут, колган масалаларга 3 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вакт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш мухокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш кай тартибда амалга оширилиши хакида тушунча берилди.

**Мажлис раиси** кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга берди.

Х.Олимов сўзга чикиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖ нинг 2025 йил молиявий–хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум килди:

«Наврўз дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2025 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2025 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар кисмининг куйидаги жадвал бўйича амалга оширилди:

Шундан;

| Даромадлар | режа | амалда | фарки |
|---|---|---|---|
| Жой хаки | 6 110 000 | 6 190 763 | – 80 763 |
| Хизмат хаки | 3 223 680 | 3 252 827 | +29 177 |
| Автотухтаhistorically даромади | 1 177 600 | 1 199 057 | +21 457 |
| Ижара хаки | 7 078 500 | 7 261 082 | –182 582 |
| Инфратузилма | 525 280 | 557 148 | - 31 868 |
| Бошка даромадлар | 171 000 | 263 704 | + 92 704 |
| **Жами даромадлар** | **17 108 460** | **17 525 524** | **+ 417 064** |

Жамиятнинг 2025 йил давомида кабул килинган соф фойда режаси 3 445 730 минг сўм, амалда 3 010 827 минг сўм этиб бажарилди.

2025 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

| | | режа | амалда | фарки |
|---|---|---|---|---|
| **1.** | Иш ҳақи | 5 612 500 | 5 899 341 | + 286 841 |
| **2.** | 12% ижтимоий солик | 673 500 | 707 921 | + 34 421 |
| **3.** | Сув ва канализация | 330 356 | 325 972 | - 4 384 |
| **4.** | Электр қуввати | 900 966 | 1 006 787 | +105 821 |
| **5.** | Асосий восита эскириши | 750 270 | 943 060 | + 192 790 |
| **6.** | Муниципал мелиция ходим | 218 800 | 205 617 | + 13 163 |
| **7.** | Махсустранс | 544 184 | 513 688 | - 30 496 |
| **8** | Телефон телеграф | 18 600 | 15 800 | - 2 800 |
| **9.** | Банк фоизи хизмати | 18 500 | 8 912 | - 9 588 |
| **10.** | Бошқа харажатлар | 550 000 | 811 277 | + 261 277 |
| **11.** | **Жами харажатлар** | **10 974 355** | **11 903 053** | **+ 928 698** |

Сабаб;

Иш хаки 286 841 минг сўмга ошиши (иш хаккини кўтарилиши, мехнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши хисобига)

12% тўловлар -34 421 минг сўмга ошиши (иш хаки ошиши хисобига)

Электр куввати 105 821 минг сўмга ошиши (худудда курилиш ишлари олиб борилгани, йиллар давомида хисобга келган карзларни ёпилгани, электр бўйича текширувлар хулоса хисобига)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси **сўзни** аудиторлик **ташкилоти ходими** маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Х.Олимов сўзга чиқди:

- Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни " **TEZKOR-MALAKA-NATIJA" А.Т томонидан 2025 йил молиявий** – хўжалик фаолияти юзасидан **ўтказилган** аудиторлик текшируви хаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўз берди.

Жамиятни 2025 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

*(«Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг 2026 йил 1 январ холатига бухгалтерия баланси нусхаси илова қилинади)*

Мажлис раиси ушбу масала буйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **туртинчи** масала юзасидан, жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т Камолов сўзга чиқиб, жамиятни 2025 йил якуни бўйича **фойда ва зарарлари** хисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

Соф фойда тақсимлаш таклифи:

2025 йилда олинган соф фойда – **3 010 827** минг сум

Соф фойданинг 5 % жамиятнинг захира фондига **150 541,35** минг сум, Дивиденд учун ажратма соф фойданинг 50 фоизи **1 505 413,5** минг сум ёки 7 150 000 дона акциянинг хар бирига 210,547 сумдан дивиденд эълон қилиш, (шу жумладан Тошкент шахар хокимлигига 96,23% - **1 448 659 411** сум) дивидендларни қонунда белгиланган тартибда (60 кун ичида) тарқатиш.

- қолган 1 354 872,15 минг сум соф фойда Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси"нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтириш;

**Т**.Камолов ушбу масала бўйича акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала бўйича** сўзни жамият директори в.в.б. Ё.Тургунов сўзга чиқиб, жамиятни 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»си билан таништирди сўнг жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўзга чиқиб, жамиятнинг 2026 йил "Даромадлар ва харажатлар смета"си режаси билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол, жавоб ва таклифлардан сўнг акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ходимларидан тузилган танлов хайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган рахбари (директор) лавозимига нисбатан қўйилган малака талаблари кўрсатилган холда рўзномага, жамият веб сайтига, корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)га эълон берилди. Танлов 2026 йил 14 мартдан - 2026 йил 5 апрел кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди

Танлов давомида бугунги кунда жамиятга рахбар в.б бўлиб ишлаб келаётган Тургунов Ёркин Фахриддин ўғли ижро этувчи орган рахбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини бердилар.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошка савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб.

Жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошка савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан жамият кимматли коғозлар бўйича мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини бахолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2025 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув натижалари бўйича " TEZKOR-MALAKA-NATIJA" А.Т томонидан текширилиб бахолангандиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқарув бўйича 9-йўналишида - 107 "қониқарли" бахо берилганлиги, фоиз шкала 9 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича, жорий йилда фоиз шкаласини янада кўтариш чораларини кўрилиши жамият ижроия органи томонидан таъминланиши шарти билан қабул қилинишини таклиф этиб, акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахасси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонун"га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича 3 та аудит корхоналардан таклифлар тушганлиги ва ушбу аудит корхоналари томонидан берилган бизнес таклифларининг нархлари билан овоз бериш бюллитенларига киритилганлигини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошка таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан сўзга, жамият кимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб, жамиятнинг амалдаги Устави маънан эскиргани, хозирда ушбу қонунчиликка бир мунча янгиликлар киритилганлиги асосида жамиятнинг Устави янги тахрирда қайта ишлаб чиқилди ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий мажлиси кун тартибига киритилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала юзасидан сўзга, жамият директори в.в.б. Ё.Тургунов сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузулмасини янги тахрирда ишлаб чиқилгани ва уни тасдиқлаб беришларини акциядорлардан сўради.

**Мажлис раиси** умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини мухокамаси тугагандан сўнг, мажлис мухокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

| № | Кун тартиби | «Ёклайман» | | «Қаршиман» | | «Бетарафман» | | Овоз берманганлар | | Хақиқий эмаслар | | натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | % | сони | % | сони | % | сони | % | сони | % | |
| 1 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 2 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 3 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 4 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 5 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 6. Масала Кузатув кенгаши аъзолиги: | | | | | | | | | | | | |
| 6.1 | А.АК Раззаков | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 6.2 | А.А. Акрамов | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 6.3 | [illegible] | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 6.4 | [illegible] | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 6.5 | [illegible] | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 7 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 8 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 9.1 | ООО «N A Z O R A T-A U D I T» МЧЖ 25 млн сум | | | | | 0 овоз | | | | | | Қабул қилинмади |
| 9.2 | «GREAT [illegible]» МЧЖ 25 млн сум | | | | | 0 овоз | | | | | | Қабул қилинмади |
| 9.3 | «TEZKOR MALAKA-NATIJA» МЧЖ 10,5 млн сум | | | | | 7 050 065 | | | | | | Қабул қилинди |
| 10 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |
| 11 | Масала | 7 050 065 | 100 | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | йўқ | Қабул қилинди |

**Мажлис кун тартибидаги масалалар атрофлича ўрганиб**

**Қарор қабул қилади.**

1. «Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ.

2. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан "TEZKOR-MALAKA-NATIJA" А.Тнинг ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

3. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. 2025 йил якуни бўйича «Наврўз деҳқон бозори» АЖда олинган 3 010 827 минг сўмлик соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

-соф фойданинг 5 % қисми яъни, **150 541,5** минг сум жамиятнинг заҳира фондига ажратилсин;

- Дивиденд учун ажратма соф фойданинг 50 фоизи яъни, **1 505 413,5** минг сум ажратилсин. Бунда 7 150 000 дона акциянинг ҳар бирига 210,54 сумдан дивиденд эълон қилинсин, дивидендлар қонунда белгиланган тартибда (60 кун ичида) тарқатилсин;

- қолган 1 354 872,15 минг сум соф фойда Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси"нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин;

5. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф - йўқ).

6. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари қонунчиликка ва жамият уставига кўра 3 (уч) йил муддатга сайланганликлари ва уларнинг таркибида ўзгартириш йўқлиги қабул қилинсин (Ёқлаган 7050065– 100 %, Қарши 0 , Бетараф 0, овоз бермади 0 ).

7. Жамият директори этиб Турғунов Ёркин Фахриддин ўғли сайлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

7.1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Ё.Тургуннинниг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин.

**7.2.** Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

8. Жамият " TEZKOR-MALAKA-NATIJA" А.Т томонидан 2025 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси + 107 "қониқарли" баҳо, фоиз шкала 9 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган кўрсаткич натижаларини янада яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

9. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб " TEZKOR-MALAKA-NATIJA" А.Т тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 19 500 000 (Ўн тўққиз миллион беш юз минг) сўм миқдорида белгилансин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз 100 %, қарши йўқ, бетараф йўқ).

10. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг айрим моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни инобатга олиб, ишлаб чиқилган Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин

11. Жамиятнинг янги таҳрирда ишлаб чиқилган ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

12. Жамият бошқаруви мазкур қарор ижросини қонунда белгиланган тартиб ва вақтларда таъминласин.

*Баённома имзоланган сана: «26» апрель 2026 йил*

**Мажлис раиси** **Т.К.Камолов.**

**Мажлис котиби** **Д.Рахматова**